

**ҚОРАҚҰЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD 05/30.12.2019. Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚҰЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

КЛИЧЕВ ЗАФАР САФАРОВИЧ

**ҚИЗИЛҚУМ ЗАВОД ТИПИДАГИ СУР ҚОРАҚҰЛ ҚҰЙЛАРИ
МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contens of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Кличев Зафар Сафарович

Қизилқум завод типдаги сур қоракўл қўйлари маҳсулдорлигини
оширишнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш..... 3

Кличев Зафар Сафарович

Совершенствование научно-практических основ повышения
продуктивности каракульских овец заводского типа Кызылкума 21

Klichev Zafar Safarovich

Improving the scientific and practical foundations of increasing karakul sheep
productivity of Kyzylkum factory type 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work..... 41

**ҚОРАҚҰЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD 05/30.12.2019. Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚҰЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

КЛИЧЕВ ЗАФАР САФАРОВИЧ

**ҚИЗИЛҚУМ ЗАВОД ТИПИДАГИ СУР ҚОРАҚҰЛ ҚҰЙЛАРИ
МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx219 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.uzkarakul.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобоқулов Насилло Асадович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Холмирзаев Дустмухаммад

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Турсунов Хайрулло Шарофиддинович

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «25» 08 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140154, Самарқанд, М.Улуғбек кўчаси, 47 уй. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, мажлислар зали 2-қават, тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

Диссертация билан Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (177 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй, институт маъмурий биноси, 1-қават Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2020 йил «14» 08 кuni тарқатилди.
(2020 йил «14» 08 даги 6 рақамли реестр баённомаси)



Handwritten signature

М.Э.Аширов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, к-х.ф.д., профессор

Handwritten signature

М.Ш.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к-х.ф.д., ката илмий ходим

Handwritten signature

С.Ю.Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к-х.ф.д., профессор

КИРИШ (фаласафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қоракўл қўйларини урчитиш ареали кенг бўлиб, улар дунёнинг деярли барча қитъаларида урчитилади. Ўзбекистон, Афғонистон, Жанубий Африка Республикаси, Намибия, Туркменистон, Қозоғистон давлатлари қоракўл қўйлари энг кўп урчитиладиган мамлакатлар ҳисобланади. Бу давлатларда олиб борилган селекция – наслчилик ишлари натижасида қоракўл қўйлари ирсий ва маҳсулдорлик жиҳатлари бўйича сезиларли даражада такомиллаштирилган ва уларда бир – биридан фарқланадиган хусусиятлар шакллантирилган ҳамда авлодлар давомида мустаҳкамланган. Франция, Польша, Италия ва бошқа Европа давлатларига, шунингдек, АҚШ га олиб борилган қоракўл қўйлар экспериментал қўйхоналарда асралади ва тажриба мақсадларида соф ҳолда урчитилади¹.

Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Украина, Молдавия каби МДХ давлатларида ҳам қоракўл қўйлари урчитилиб, ушбу давлатларнинг яйлов-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда зотнинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш, яъни қоракўл маҳсулотидан ташқари гўшт, сут маҳсулдорлигини ва гўштдорлигини ошириш йўлларида самарали илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Ўзбекистон ҳудудининг 18 миллион гектардан ортиқ майдонини турли экологик шароити билан характерланувчи чўл яйловлари ташкил этади. Ушбу регионда чўл – яйлов чорвачилиги ривожланган бўлиб, унинг асоси қоракўлчилик соҳаси ҳисобланади. Ушбу соҳада етиштириладиган турли ранг, рангбаранглик ва гул гуруҳларидаги қоракўл терилари сифати, ассортиментни жиҳатидан тенгсиздир. Қоракўл териларининг бундай кенг ассортиментга эга бўлишини, сифатининг юқорилигини унинг таркибида яратилган маҳсулдор завод типлари таъминлайди. Бу хусусият эса соҳанинг иқтисодий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларига аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабини қондириш”га алоҳида эътибор қаратилган². Шу нуқтаи назардан зотнинг қимматлилигини, соҳанинг чорвачиликдаги тутган ўрнини ҳис қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қоракўлчиликни ривожлантиришга қаратилган 2017 йил 16 мартдаги “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2841 сонли, 2018 йил 14 мартдаги

¹ library.ziyounet.uz > book > download

² Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармойиш имзоланган.

“Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3603 сонли ҳамда 2019 йил 16 августдаги “Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4420 сонли қарорлари қабул қилиндики, ушбу қарорлар соҳани юксалтиришда муҳим ҳужжатлар ҳисобланади. Сур қоракўл кўйларининг Қизилқум завод типини қизилқум регионини биринчилар қаторида яратилган тип бўлиб, у сур қоракўлчилигининг ривожлантирилишида муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу қимматли генофондни сақлаш такомиллаштириш, маҳсулдорлигини ошириш, ирсиятини мустаҳкамлаш ва ундан сур рангли кўйларни урчитишда кенг фойдаланиш йўналишидаги диссертация иши соҳа самарадорлигини оширишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган қарорларида кўйилган вазифаларнинг бажарилишига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Диссертация мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар республика фан ва технологиялари ривожланишининг V-“Қишлоқ хўжалиги, биотехнология ва атроф муҳит муҳофазаси” устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпчилик олимлар тадқиқотларида (Б.Н.Васин, В.И.Стояновская, А.Ибрагимов, А.Рахимов, С.Юсупов, С.Бозоров, Х.Турсунов, М.Эгамқулов, У.Кукенов ва бошқалар) сур рангли кўйларнинг ўсиш, ривожланиш, селекцион белгиларининг намоён бўлиш хусусиятлари ўрганилиб, улардан самарали фойдаланиш йўллари асослаб берилган.

Сур кўйларнинг ранг, рангбаранглик хусусиятлари, ифодаланиши, ўтиш кескинлиги, гул кўрсаткичлари, уларнинг намоён бўлиш даражаларини ўрганиш бўйича ҳам қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган (Н.С.Гигинейшвили, Ю.Жуманиёзов, С.Юсупов, А.Газиёв, А.Ҳақназаров, А.Ибрагимов, А.Рахимов, С.Бозоров, Б.Маматов, А.Болтаев ва бошқалар).

Сур кўйларнинг “Қизилқум” завод типини асли Қизилқум чўлида яратилган бўлиб, кейин гипсли Қарнабчўлнинг ҳозирги “Саҳоба ота қоракўл насл” МЧЖга олиб келинган. Кўп йиллар давомида ушбу типнинг янги шароитга мослашиш, маҳсулдорлик ва ирсий хусусиятлари ўрганилмаган.

Қайд этилган фикрларни инобатга олганда сур кўйларининг қизилқум завод типининг маҳсулдорлигини оширишга бағишланган диссертация иши долзарб муаммолар қаторига киради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий – тадқиқот муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий - тадқиқот институти мавзулар режасининг ҚХА-8-016-2015 - “Юпқа, енгил, юқори сифатли қоракўл тери берувчи насли сур рангли қоракўл кўйларини етиштиришнинг селекцион – технологик усулларини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йиллар) ва ҚХ-А-ҚХ-2018-60-“Фермер хўжаликлари шароитида наслчилик ишларини юритишни жадаллаштириш ва

соддалаштиришни таъминловчи қорақўл қўйлари маҳсулдорлик салоҳиятини бошқаришнинг селекцион – генетик усулини ишлаб чиқиш” (2018 – 2020 йиллар) мавзуларидаги амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Қизилқум регионида яратилган сур рангли қорақўл қўйларининг янги Қарнабчўл иқлим шароитида биологик, маҳсулдорлик ва ирсий хусусиятларини шу зонада азалдан урчитиладиган қора рангли қорақўл қўйлари кўрсаткичлари билан қиёслаб ўрганиш асосида, сур қўйлар салоҳиятидан фойдаланишнинг самарали йўллари аниқлаш орқали уларнинг маҳсулдорлигини оширишнинг илмий - амалий асосларини такомиллаштириш тадқиқотнинг мақсади сифатида танланди.

Тадқиқотнинг вазифалари:

завод типига мансуб қўйларнинг айрим биологик (ўсиш, ривожланиш, конституционал), маҳсулдорлик (жун маҳсулдорлиги) кўрсаткичларини динамикасини қиёсий ўрганиш;

завод типига қўйлар барра – тери кўрсаткичларининг наслга берилиш хусусиятларини ўрганиш;

қорақўл териларининг товарлик хусусиятларини ўрганиш;

тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот объекти сифатида “Қизилқум” завод типига мансуб сур рангли (тажриба гуруҳи) ва завод типига мансуб бўлмаган қора рангли (назорат гуруҳи) қорақўл қўйлари, қорақўл терилари белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети. “Қизилқум” завод типига мансуб қорақўл қўйларининг ирсий ва наслий имкониятларини ўрганиш асосида улар маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашнинг илмий – амалий асосларини такомиллаштириш тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда зоотехник, биометрик, статистик усуллардан фойдаланилган. Авлодларни баҳолаш “Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва кўзиларни баҳолаш (бонитровка қилиш) бўйича қўлланма” (С.Юсупов ва бошқалар, 2015) асосида, ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари умумқабул қилинган услублар (И.А.Чижик, 1979), жун маҳсулдорлиги маҳсулотни тарозида ўлчаш, олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Н.А.Плохинскийнинг “Руководство по биометрии для зоотехников” (1969 г.) қўлланмаси бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қарнабчўл экологик шароитида “Қизилқум” завод типига сур қорақўл қўйларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини оширишнинг илмий-амалий асослари такомиллаштирилган;

сур қорақўл қўйлари ва улар авлодларининг ўсиш, ривожланиш динамикаси параметрлари аниқланган;

қизилқум завод типига сур қорақўл қўйларининг конституционал хусусиятларига илмий асосланган ҳолда тавсиф берилган;

сур қоракўл қўйлар авлодларида муҳим барра – тери белгиларининг намоён бўлиш хусусиятлари ва даражалари аниқланган ҳамда улардан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қизилқум завод типигади сур қоракўл қўйларининг маҳсулдорлигини оширишнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш йўллари аниқланган;

қўйларнинг тирик вазн, ўсиш, ривожланиш ва тана тузилиш индекслари динамикаси, уларнинг конституционал хусусиятлари ўрганилган;

қўйлар барра – тери кўрсаткичларининг авлодларда намоён бўлиш даражалари ўрганилган;

қизилқум завод типигади совлиқлардан олинган қоракўл териларининг товарлик хусусиятларини ўрганилган;

тадқиқот натижаларига иқтисодий жиҳатдан баҳо берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончлилиги уни бажаришда илғор селекция усулларида фойдаланилганлиги, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий – тадқиқот институти, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий – ишлаб чиқариш маркази ҳамда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, маълумотларга вариацион статистика усулларида ишлов берилганлиги, ишончлилик критерийларининг аниқланганлиги, натижаларнинг жорий этилганлиги, жорий этиш тадбирларининг далолатномалар билан асосланганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда илмий мақолалар чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, илк бор Қарнабчўл шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосида “Қизилқум” завод типигади қўйлар био-маҳсулдорлик кўрсаткичларига баҳо берилган, маҳсулдорликни оширишнинг илмий – амалий асослари такомиллаштириш йўллари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти завод типи салоҳиятидан самарали фойдаланиш, бошқа қўйлар маҳсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатиш йўллари аниқланганлиги, улардан маҳсулот сифатининг яхшиланганлиги амалиётда самарали фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қизилқум завод типигади сур қоракўл қўйлари маҳсулдорлигини оширишнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш йўналишида Қарнабчўл шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижасида:

янги экологик шароитда “Қизилқум” завод типигади сур қўйларнинг селекцион кўрсаткичларини ўрганиш асосида уларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган ечимлар Самарқанд вилояти, Нуробод тумани “Сахоба ота қоракўл насл” МЧЖда жорий этилган (“Ветеринария ва

чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 07 июлдаги 02/23-980 сон маълумотномаси). Натижада қўйларнинг ирсий салоҳияти такомиллаштирилиб, бир дона қоракўл терисини сотиш нархи 10,2 минг сўмга, рентабеллик даражаси 24,5 фоизга ошган;

янги экологик шароитда қўйлар барра-тери кўрсаткичларининг наслга берилиш даражаларидан фойдаланиш усули Самарқанд вилояти Нуробод тумани “Тутли қоракўл замини” МЧЖда жорий этилган (“Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 07 июлдаги 02/23-980 сон маълумотномаси). Натижада авлодларда қимматли селекцион белгиларнинг намоён бўлиши 10-15 фоизга яхшиланиб, 1 дона қоракўл терисини сотиш нархи 9,8 минг сўмга, рентабеллик даражаси эса 20,2 фоизга ошган;

янги экологик шароитда сур рангли қоракўл қўзиларининг ўсиш ва ривожланишини ўрганиш асосида уларнинг ушбу салоҳиятидан самарали фойдаланиш усули Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани “Қарнаб ота” МЧЖда жорий этилган (“Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 07 июлдаги 02/23-980 сон маълумотномаси). Натижада қўйлар тирик вазнининг 3-5 кг, 1 бош қўйдан олинадиган даромаднинг 50-70 минг сўмга, рентабеллик даражасининг 22,0 фоизга ортиши кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари Самарқанд вилояти Нуробод тумани “Сахоба ота қоракўл насл” МЧЖ нинг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2017-2019 йиллар), Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси апробация комиссиясида ижобий баҳоланган (2017-2019 йиллар), Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти илмий кенгаш йиғилишларида (2017-2020 йилларда), республика ва халқаро илмий –амалий конференцияларида (2017-2019 йиллар) апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та, жумладан республика ва халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўпламида 5 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, шундан хорижий нашрларда 2 та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, устувор йўналишлар ва диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муасасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мослиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари,

илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, чоп этиш натижалари ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида қорақўл қўйларининг био-маҳсулдорлик ҳамда ирсий хусусиятларининг ўрганилишига ойда адабиётлар таҳлил қилиб чиқилган. Ушбу йўналишларда тадқиқотлар ўтказган кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар ва таклифлар қилиниб, диссертациянинг вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот манзили, манбаи ва услуги”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотни бажариш шароити, манбаи ва услуги ҳамда қизилқум завод типининг яратилиши тарихи келтириб ўтилган.

Тадқиқотлар Самарқанд вилояти Нуробод тумани “Сахоба ота қорақўл насл” МЧЖда урчитилувчи “Қизилқум” завод типига мансуб тоза зотли сур рангли қорақўл қўйларида ўтказилган. Тадқиқотлар давомида тажриба ва назорат гуруҳларини шакллантириш, қорақўл қўйларининг биологик ва маҳсулдорлик, барра-тери, гулларнинг сифат ва ўлчамлари, ранг ва рангбаранглик, жун-тола сифати, жун қоплами, жун маҳсулдорлиги, унинг морфологик таркиби, қорақўл терилари сатҳи, массаси ҳамда ассортимент таркиби каби кўрсаткичлари, тирик вазн ва экстерьер ўлчамлари динамикаси, тана тузилиш индекслари, конституция кўрсаткичлари, тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги, тажрибадан олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда қўлланиладиган усул ва услублар баён этилган.


Диссертациянинг **“Қорақўл қўйларининг биологик ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари”** деб номланган учинчи бобида қорақўл қўйларининг конституция кўрсаткичлари, тирик вазн, экстерьер ўлчамлари ва тана тузилиш индекслари динамикалари, жун қопламининг кўрсаткичлари баён этилган.

Қўйлар ва уларнинг авлодларининг конституционал хусусиятларини ўрганиш натижалари, ҳар иккала гуруҳ бўйича қора рангли қўйлар ва кўзилар сур рангли тенгдошларига нисбатан конституциясининг бироз мустаҳкамлиги билан характерланишини кўрсатган. Ушбу ҳолатда қора рангли қўйларнинг $74,3 \pm 2,58$ ва кўзиларнинг $78,1 \pm 2,58$ фоизи мустаҳкам, қўйларининг $7,4 \pm 1,28$ фоизи, кўзиларнинг $9,0 \pm 1,79$ фоизи нозик конституцияга эга бўлса, бу кўрсаткичлар сур рангида мутаносиб равишда $63,3 \pm 2,27$ ва $67,1 \pm 2,51$ ҳамда $14,9 \pm 1,68$ ва $17,5 \pm 2,03$ фоизни ташкил этган.

Тирик вазн кўрсаткичларини ранглар бўйича таҳлиллашда (1-расм) маълум гул типлари бўйича фарқланишларнинг мавжудлиги аниқланган. Бу ҳолатда ҳам сур, ҳам қора рангли кўзилар ичида иккала ёш даври бўйича ўсикгул типли кўзилар тирик вазнининг ($4,74 \pm 0,11$ ва $25,89 \pm 0,57$ ҳамда $4,91 \pm 0,12$ ва $26,31 \pm 0,62$ кг) бошқа типли кўзилар тирик вазнига нисбатан юқори бўлиши қайд этилган ($P < 0,001$ ва $0,05$).

Қайд этилган фарқланишларга қарамай, қимматли ҳисобланган ярим доира, қовурғасимон ва ясси типларга мансуб кўзилар тирик вазнининг

стандарт талабида бўлиши уларнинг ҳам яхши ривожланиш хусусиятларига эга эканлигини кўрсатади.



1-расм. Турли рангдаги қўзиларнинг тирик вазн кўрсаткичлари, кг.

Экстерьер хусусиятларини ўрганиш бўйича ҳам ўхшаш натижалар қайд этилган.

Олинган маълумотлар сур рангли қўиларнинг Қарнабчўл шароитида етарли даражадаги ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларига эга бўлишини ва уларни ушбу шароитда муваффақиятли урчитиш мумкинлигини кўрсатган.

Диссертациянинг “Қўиларнинг ирсий хусусиятлари” деб номланган тўртинчи бобида олинган авлодларда барра-тери хусусиятлари ранг ва рангбаранглик кўрсаткичларининг намоён бўлиш даражаларини ўрганиш натижалари таҳлилланган.

Гул типлари. Ушбу белги қўиларнинг гул типини генотипини кўрсатувчи муҳим белги ҳисобланади. Тадқиқотларда ушбу кўрсаткич ўрганилиб, маълумотлар 1-жадвалда умумлаштирилган.

1-жадвал

Авлодларнинг гул типларига тақсимланиши

Гуруҳлар	n	Авлодларнинг гул типлари, % $\bar{X} \pm S\bar{x}$			
		Ярим доира қаламгул	Қовурғасимон қаламгул	Ясси қаламгул	Ўсиқгул
Тажриба (сур)	350	56,6 \pm 2,65	17,7 \pm 2,04	16,0 \pm 1,96	9,7 \pm 1,58
Назорат (қора)	298	59,7 \pm 2,84	21,5 \pm 2,38	12,1 \pm 1,89	6,7 \pm 1,45

Олинган маълумотлар ҳар иккала гуруҳ кўйларининг ўрганилган кўрсаткич бўйича етарли даражадаги ирсий мустаҳкамлигини кўрсатади. Тажриба гуруҳидан олинган авлодларнинг 56,6 фоизи ярим доира қаламгул типига, 17,7 фоизи қовурғасимон қаламгул типига, 12,1 фоизи ясси қаламгул типига ва 9,7 фоизи ўсиқгул типига мансуб бўлган бўлса, бу кўрсаткичлар назорат гуруҳида мутаносиб равишда 59,7; 21,5; 12,1 ва 6,7 фоизни ташкил этиши аниқланди.

Назорат гуруҳида ярим доира қаламгул типли авлодларнинг статистик жиҳатдан ишончли бўлмаса ҳам, 3,1 фоизга, қовурғасимон қаламгул типли авлодларнинг 3,8 фоизга кўплиги ва ўсиқгул типли авлодларнинг 3,0 фоизга камлигини ирсият билан боғлиқ ҳолда қора рангли кўзилар жун толалари нисбатан калтароқ бўлиши натижасида ярим доира ва қовурғасимон қаламгул типига гулларнинг шаклланишига кўпроқ имкон яратилиши билан тушинтириш тўғри бўлади.


Таъкидлаш лозимки, ҳар иккала гуруҳдан олинган авлодларда уларнинг қайси гул типига мансублигига боғлиқ ҳолда шу типга хос гулларнинг кўплигини кўриш мумкин. Агар ярим доира қаламгул типига авлодларда ярим доира қаламгул ва дона гулларнинг салмоғи тажриба гуруҳи бўйича 86,4 фоизни, назорат гуруҳи бўйича 87,0 фоизни ташкил этган бўлса, қовурғасимон типли кўзиларда қовурғасимон қаламгул ва ёл гулларининг салмоғи мутаносиб равишда 87,9 ва 91,3 фоизни, ясси типли кўзиларда ясси қаламгул ва ёл гулларнинг салмоғи 87,1 ва 87,6 фоизни ташкил этишини кўриш мумкин. Бу ҳолат назорат гуруҳининг ҳам, тажриба гуруҳидаги сур рангли кўйларнинг ҳам юқори ирсий салоҳиятидан далолат беради.

Гулларнинг узунлиги ва кенглиги. Ушбу белгилар кўйларнинг ирсий, қоракўл териларининг товарлик хусусиятларини баҳолашда инobatга олинадиган муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда гуллари узун, кенглиги (эни) ўрта бўлган кўзилар ва қоракўл терилари қимматли бўлади.

Тадқиқотларни олиб бориш жараёнида тажрибадаги кўйлар авлодаларида қайд этилган гул кўрсаткичларининг намоён бўлиш даражалари ўрганилиб, олинган натижалар 2-расмда умумлаштирилди.

Маълумотлардан гулларнинг узунлиги ва кенглиги бўйича таққосланаётган гуруҳлардан олинган авлодлар кўрсаткичлари орасида сезиларли фарқланишларнинг йўқлигини кўриш мумкин. Ушбу йўналишда агар сур рангли кўйлар авлодларининг 52,0 фоизи узун, 30,0 фоизи ўрта узунликдаги, 71,4 фоизи ўрта кенликдаги, 10,0 фоизи майда ва 18,6 фоизи катта гулларга эга бўлган бўлса, бу кўрсаткичларнинг қора рангли кўйларда мутаносиб равишда 52,3; 30,9; 11,1; 73,8 ва 15,1 фоизни ташкил этиши аниқланди.

Олинган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, қизилқум завод типигаги сур рангли кўйлар ўрганилган кўрсаткичлар бўйича турғун ва етарли даражадаги мустаҳкам ирсиятга эга ва бундан келгуси селекция жараёнида фойдаланиш мумкин.



2-расм. Қўйлардан олинган авлодларнинг гул узунлиги ва кенглиги кўрсаткичлари

Тадқиқотлар давомида олинган сур авлодларда гулларнинг мустаҳкамлиги ва жойлашиш расми ўрганилиб, кўрсаткичларининг етарли даражадаги юқорилигини, шу билан бирга бу кўрсаткичларнинг қора рангли қўзиларга нисбатан маълум даражада сезиларсиз пастлигини кўриш мукинки, бундай фарқланиш мустаҳкам гуллар салмоғи бўйича 4,7 фоизни, етарсиз мустаҳкамликдаги гуллар салмоғи бўйича 2,5 фоизни, бўш гуллар салмоғи бўйича 2,2 фоизни ташкил этиши ва тафовутларнинг ўртача арифметик кўрсаткич хатоси даражасида бўлиб, статистик жиҳатдан ишончли эмаслиги кузатилди.

Рангбарангликларнинг намоён бўлиши. Тажрибадаги қўйлар ва авлодларининг гул типлари миқёсида рангбарангликлари бўйича тақсимланиши тадқиқотлар давомида ўрганилиб, олинган маълумотлар 2-жадвалда умумлаштирилган.

2-жадвал

Авлодларнинг рангбарангликларга тақсимланиши

т/р	Қўзиларнинг гул типлари	n	Рангбарангликлар, % $\bar{X} \pm S\bar{x}$			
			Кумуш-симон	Тилла-симон	Бинафша	Қора сур
1	Яримдоира каламгул	198	69,7±3,27	10,6±2,21	8,1±1,94	11,6±2,28
2	Қовурғасимон	62	69,4±5,85	9,7±3,76	12,9±4,26	8,0±3,45
3	Ясси	56	71,4±6,04	10,7±4,13	7,1±3,49	10,8±4,14
4	Ўсиқгул	34	61,8±8,33	11,8±5,55	11,8±5,55	14,6±6,06
5	Ўртача мувозанатлашган кўрсаткич	350	69,2±2,47	10,6±1,6	9,1±1,54	11,1±1,68

Тадқиқот натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, “Қизилқум” завод типдаги сур қоракўл кўйларининг ирсияти қимматли рангбарангликлар (88,9%), айниқса кумушсимон (69,2%) рангбаранглиги бўйича мустаҳкамланган ва улар ушбу хусусиятларини авлодларга юқори даражада ўтказди.

Сур рангининг ифодаланиши. Бу хусусият тери сатҳида жун толалари пигментланган пастки ва пигментсизланган қисмларининг аниқ кўриниши билан белгиланади.

Тадқиқотлар давомида тажрибадаги кўйлардан олинган турли гул типдаги авлодларда рангнинг ифодаланиш кўрсаткичлари ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал

Авлодларда сур рангининг ифодаланиши

т/р	Кўзиларнинг гул типлари	n	Рангнинг ифодаланиши, % $\bar{X} \pm S\bar{X}$		
			аъло	ўрта	Паст
1	Яримдоира қаламгул	198	41,4±3,50	44,4±3,53	14,2±2,48
2	Қовурғасимон	62	51,6±6,95	38,7±6,19	9,7±3,76
3	Ясси	56	53,4±6,67	35,9±6,41	10,7±4,13
4	Ўсиқгул	34	26,5±7,57 ^{x)}	52,9±8,56 ^{x)}	20,6±6,94
5	Ўртача мувозанатлашган кўрсаткич	350	43,7±2,65	42,9±2,65	13,4±1,82

x - (P<0,001)


Олинган маълумотлардан сур рангининг ифодаланиши бўйича кўзиларнинг маълум гул типига боғлиқ ҳолда сезиларли фарқланишлар мавжудлигини кўриш мумкин. Рангнинг аъло даражада ифодаланиши ўртача мувозанатлашган кўрсаткичининг 43,7±2,65 фоизини ташкил этиши шаротида бу кўрсаткич қовурғасимон типдаги кўзиларда 51,6±6,35 фоиз, ясси типдаги кўзиларда 53,4±6,67 фоиз, ўсиқгул типдаги кўзиларда эса 26,5±7,57 фоиз (P<0,001) даражаларида бўлиши аниқланди. Ранг ифодаланишининг ўрта даражаси бўйича ҳам шундай ҳолат қайд этилиб, умуман аъло ва ўрта ранг ифодаланишидаги кўзилар салмоғи ярим доира қаламгул типда 85,8 фоизни, қовурғасимон типда 90,3 фоизни, ясси типда 89,3 фоизни, ўсиқгул типда эса 73,5 фоизни ташкил этиши аниқланди.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотларда ранг ифодаланиш даражасини турли рангбарангликка мансуб кўзиларда ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Маълумотлар 3-расмда умумлаштирилган.

Ушбу йўналишдаги тадқиқот натижаларида ранг ифодаланиши бўйича рангбарангликлар миқёсида кескин фарқланишлар мавжудлиги аниқланди. Маълумотлардан кўриш мумкинки, ранг ифодаланиши бўйича энг юқори кўрсаткич кумушсимон рангбарангликдаги кўзиларда кузатилди.

Тадқиқотларда уларнинг 74,7±3,70 фоизи аъло, 26,3±3,75 фоизи ўрта даражадаги ранг ифодаланиши билан характерланиши ва бу кўрсаткичлар

бўйича улар бошқа рангбарангликдаги кўзилардан статистик юқори ишончилиликда устунлик қилиши аниқланди.



3-расм. Турли рангбарангликдаги кўзиларда сур рангининг ифодаланиши, %

Тилласимон ва бинафша рангбарангликдаги кўзилар аксарият қисмининг (мутаносиб равишда $57,1 \pm 10,80$ ва $68,8 \pm 11,58$ фоизи) рангининг ўрта даражада ифодаланиши билан характерланиши қайд этилди.

Сур рангининг текислиги. Тадқиқотлар давомида ушбу кўрсаткичнинг турли гул типи ва рангбарангликларга мансуб кўзиларда намоён бўлиш даражалари ўрганилди. Олинган натижалар 4-жадвалда умумлаштирилган.

4-жадвал

Турли гул типи ва рангбарангликдаги кўзиларда ранг текислигининг намоён бўлиш даражалари

т/р	Кўзиларнинг гул типи ва рангбаранглиги	n	Ранг текислиги, % $\bar{X} \pm S\bar{X}$		
			текис	қониқарли	нотекис
1	Яримдоира қаламгул	198	$65,2 \pm 3,86^x$	$26,2 \pm 3,12$	$8,6 \pm 1,99$
2	Қовурғасимон	62	$72,5 \pm 5,67^x$	$19,4 \pm 5,02$	$8,1 \pm 3,47$
3	Ясси	56	$73,2 \pm 5,92^x$	$19,7 \pm 5,31$	$7,1 \pm 3,43$
4	Ўсиқгул	34	$47,1 \pm 8,56$	$31,6 \pm 7,97$	$21,3 \pm 7,02$
5	Кумушсимон	242	$82,6 \pm 2,43^x$	$17,4 \pm 2,43$	-
6	Тилласимон	37	$78,4 \pm 6,77^x$	$21,6 \pm 6,77$	-
7	Бинафша	32	$73,0 \pm 7,85^x$	$17,6 \pm 6,73$	$9,4 \pm 5,16$
8	Қорасур	39	$15,4 \pm 5,78$	$35,9 \pm 7,68$	$48,7 \pm 8,00$

x-P<0,001 x-P<0,05

Жадвал маълумотларидан сур ранги текислигининг кўзиларнинг гул типи ва рангбаранглигига сезиларли даражада боғлиқлигини кўриш мумкин.


Гул типлари миқёсида ранг текислигини ўрганиш натижалари бўйича энг юқори кўрсаткичларни қовурғасимон ва ясси типли кўзиларда ($72,5 \pm 5,67$

ва $73,2 \pm 5,92$ %), энг паст кўрсаткични ўсикгул типли кўзиларда ($47,1 \pm 8,56$ %) кўриш мумкин. Ярим доира қаламгул типли кўзиларнинг оралиқ ҳолатни эгаллаши кузатилди. Рангбаранглик миқёсида энг юқори кўрсаткич кумушсимон рангбарангликда ($82,6 \pm 2,43$ %) қайд этилди.

Жун толаларининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги. Ушбу кўрсаткичларни тажриба ва назорат гуруҳларидаги кўйлардан олинган авлодларда ўрганиш натижалари тажриба ва назорат гуруҳи авлодлари орасида фарқланишлар деярли йўқлигини кўрсатди.

Тажриба гуруҳ кўйлари авлодларида назорат гуруҳ кўйлар авлодларига нисбатан кучли ипаксимонлик ва ялтироқликдаги кўзилар салмоғининг юқори ($4,2-6,8$ %), назорат гуруҳ кўйлар авлодларида эса меъёрли ипаксимонлик ва ялтироқликка эга бўлган кўзилар салмоғининг юқори ($2,9-6,4$ %) бўлиши кузатилди. Ҳар иккала гуруҳ авлодларида жун – тола қопламининг етарсиз кўрсаткичи $10,3-11,8$ ва $10,3-10,7$ фоиз даражаларида қайд этилди.

Жун толаларининг узунлиги. Тадқиқотлар давомида тажрибадаги сур рангли кўйлар авлодларининг жун – тола узунлиги назорат гуруҳидаги қора рангли кўйлар ва авлодларининг жун – тола узунлиги билан таққослаб ўрганилди. Олинган маълумотлар 4-расмда умумлаштирилган.



4-расм. Авлодларда жун қопламининг узунлиги

Маълумотлардан кўриш мумкинки, қора рангли кўзилар каби тажрибадаги сур рангли кўйлардан олинган сур кўзилар ҳам жун толаларининг оптимал узунлиги билан характерланади. Ушбу кўрсаткичнинг сағри қисмида қора рангли кўзиларда $10,07 \pm 0,06$ мм ни, сур рангли кўзиларда $10,26 \pm 0,7$ мм ни ташкил этиши аниқланди ($P < 0,05$). Елка қисмида жун – толалари бироз узунлашган бўлиб, мутаносиб равишда $11,87 \pm 0,10$ ва $11,42 \pm 0,09$ мм ни ташкил этиши қайд этилди ($P < 0,001$).

Қоракўл териларининг нав ва ассортимент кўрсаткичлари. Қоракўлчиликда селекция самарадорлигини кўрсатувчи асосий меъзонлардан

бири – бу селекция мақсади ва йўналишига боғлиқ ҳолда олинадиган қоракўл маҳсулотининг навдорлик ва ассортимент кўрсаткичлари ҳисобланади.

Маълум бир ранг, рангбаранглик ва гул типига селекцияни йўналтиришда олинадиган авлод ва қоракўл маҳсулоти таркибида шу кўрсаткичнинг юқори даражада намоён бўлиши ёки унинг салмоғининг ортиб бориши селекция ишларининг тўғри олиб борилаётганлиги ва унинг юқори самара бераётганлигидан дарак беради.

Тадқиқотлар давомида ҳудуд учун ягона ҳисобланган қизилқум завод типига мансуб қўйлардан олинган қоракўл териларининг нав ва ассортимент кўрсаткичлари қора рангли қўйлардан олинган қоракўл терилари кўрсаткичлари билан қиёслаб ўрганилди. Маълумотлар 5-жадвалда умумлаштирилган.

5-жадвал

Қоракўл териларининг нав ва ассортимент таркиби, % $\bar{X} \pm S\bar{x}$

Нав ва ассортимент	Сур рангли терилар (n=75)	Қора рангли терилар (n=75)
Жакет I	8,0±3,13	9,3±3,35
Москва жакети	29,3±5,25	28,0±5,18
Жакет қалин I	21,3±4,73	22,7±4,84
Жами жакет I-нав	58,6±5,69	60,0±5,66
Қовурғасимон юпқа I	14,6±4,08	13,3±3,92
Қовурғасимон қалин I	12,0±3,75	10,7±3,57
Жами қовурғасимон I-нав	26,6±5,10	24,0±4,93
Ясси юпқа I	1,3±1,23	2,7±1,87
Ясси қалин I	-	
Жами ясси I-нав	1,3±1,23	2,7±1,87
Кавказ қалин I	2,8±1,90	2,7±1,87
Жами I-нав	89,9±3,57	89,4±3,55
II нав	6,7±2,89	5,3±2,59
III нав	4,0±2,26	5,3±2,59
Териларнинг ўртача сатҳ ўлчамлари, см ²	1391,8±15,7	1362,7±14,9

Олинган натижалар қизилқум завод типига қўйлар юқори ирсий хусусиятлари билан характерланишини кўрсатади. Буни олинган маҳсулотнинг навдорлик ва ассортимент кўрсаткичларидан кузатиш мумкин. Умуман олганда, сур рангли қўйлардан олинган биринчи навли (89,3±3,57%) қоракўл терилар салмоғи қора рангли қўйлар кўрсаткичидан (89,4±3,55%) қолишмаслигини, яъни бир хиллигини, ассортимент таркиби бўйича ҳам шундай ҳолатни кўриш мумкин. Сур қўйлар бўйича жакет гуруҳидаги терилар салмоғи 58,6±5,69 фоизни, жакет I навли терилар салмоғи 8,0±3,13 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичларнинг қора рангли қоракўл қўйлари бўйича 60,0±5,66 ва 9,3±3,35 фоизни ташкил этгани кузатилди.

Қовурғасимон, ясси ва кавказ гуруҳли терилар салмоғи бўйича ҳам деярли бир хил кўрсаткичлар қайд этилиб, сур қўйлардан олинган қоракўл маҳсулотининг ўртача сатҳ ўлчами статистик ишончли бўлмаса ҳам 28,9 см² га юқорилиги, яъни йириклиги аниқланди.

Кузатилган ҳолатлар Қарнабчўл шароитида сур рангли қўйларни муваффақиятли урчитиш мумкинлигини кўрсатади.

Бажарилган ҳар қандай тадқиқот ишини иқтисодий баҳолаш ишлангани жорий этиш йўналишларини, қандай фойдаланиш йўллари, кутиладиган натижани маълум даражада башорат қилишга имконият яратади.

Тадқиқот давомида қизилқум завод типидagi қоракўл қўйларининг маҳсулдорлигини ошириш йўллари аниқлаш бўйича олинган илмий маълумотларни қора рангли қоракўл қўйлари кўрсаткичлари билан қиёслаш асосида иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ишлари амалга оширилди (6-жадвал).

6-жадвал

Тадқиқот натижаларининг иқтисодий баҳолаш

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сур рангли қўйлар бўйича (тажриба)	Қора рангли қўйлар бўйича (назорат)
1	Жами олинган қоракўл терилар	дона	75	75
2	Ўртача сатҳ ўлчами	см ²	1391,8±15,7	1362,7±14,9
3	1 дона қоракўл териси таннархи	сўм	49480,0	49480,0
4	1 дона қоракўл териси баҳоси	сўм	72950,0	64940,0
5	Жами таннарх	сўм	3711000,0	3711000,0
6	Жами олинган даромад	сўм	5471250,0	4870500,0
7	Фойда (+), зарар (-)	сўм	+1760250,0	+1159500,0
8	Рентабеллик	%	47,4	31,2

Олинган маълумотлар Қарнабчўл шароитида қизилқум завод типидagi қўйларни урчитишнинг қора рангли қўйларни урчитишга нисбатан қоракўл тери маҳсулоти бўйича сезиларли даражадаги устунлигини кўрсатади.

Тажриба гуруҳида жами таннарх 3711000 сўмни олинган даромад эса 5471250 сўмни, соф фойда 1760250 сўм бўлиб, рентабеллик даражаси 47,4 фоизни ташкил қилди.

Назорат гуруҳида эса жами таннарх 3711000 сўмни олинган даромад эса 4870500 сўмни, соф фойда 1159500 сўм бўлиб, рентабеллик даражаси 31,2 фоиз даражасида қайд этилди.

Бу ҳолатда 1 дона сур рангли қоракўл терисини сотиш баҳоси 72950,0 сўмни, 1 дона қора рангли қоракўл терисини сотиш баҳоси эса 64940,0 сўмни ташкил этиб, бир хил харажатлар (таннарх) шароитида даромад ва фойданинг кўпайиши ҳисобига сур қўйлар бўйича рентабеллик даражасининг 16,2 фоиз устунлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация иши доирасида Қизилқум завод типидagi сур рангли қоракўл қўйларининг Қарнабчўл шароитида маҳсулдорлигини оширишнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш йўналишидаги тадқиқотларда олинган маълумотларни умумлаштириш ва таҳлиллаш асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1. Қарнабчўл шароитида қизилқум завод типидagi сур қоракўл қўйлари етарли даражадаги мустаҳкам конституционал хусусиятлари билан характерланади. Ушбу кўрсаткич бўйича улар қора рангли қўйларга нисбатан бироз бўшроқлиги билан характерланса ҳам, қўйлар ва улар авлодларида мустаҳкам конституцияли қўзилар салмоғи 63,3 ва 67,1 фоизни ташкил этиши кузатилди, бу уларни ушбу шароитда урчитилишига асос бўла олади.

2. Қизилқум завод типидagi сур қоракўл қўйларининг туғилгандан 18 ойлик давригача гул типларидан қатъий назар етарли даражадаги тирик вазн кўрсаткичларига эга бўлиши аниқланди. Уларнинг ушбу кўрсаткичи ўртача мувозанатлашган ҳолатда туғилганда $4,45 \pm 0,04$, 4 ойликда онасидан ажратилганда $25,08 \pm 0,02$, 12 ойликда $31,9 \pm 0,37$, 18 ойликда $39,4 \pm 0,39$ килограммни ташкил этиши ва қора рангли қўйлардан деярли қолишмаслиги ва 18 ойликда тенглашиши қайд этилди.

3. Экстерьер ўлчамлари бўйича қизилқум завод типидagi сур қўйлар авлодларининг қора рангли қўйлар авлодларига нисбатан туғилган пайтда маълум даражадаги статистик ишончли ($P < 0,001$) пастроқ кўрсаткичлар билан характерланиши, бундай фарқланишнинг кейинги ёш даврларида аста-секин камайиб бориши, жинсий вояга етган 18 ойлигида эса тенглашиши аниқланди. Тана тузилиш индекслари бўйича ҳам худди шундай қонуниятнинг такрорланиш ҳолати қайд этилди.

4. Қизилқум завод типидagi сур қоракўл қўйларининг жун қолами кўрсаткичлари бўйича қора рангли қоракўл қўйларига нисбатан сезиларли устунлиги кузатилди. Бундай устунлик баҳорги жуннинг умумий узунлиги бўйича 0,7 см ни ($P < 0,05$), тивит қатлами узунлиги бўйича 0,4 см ни ($P < 0,05$), йиллик жун маҳсулдорлиги бўйича 99,8 граммни ($P < 0,001$), жун таркибида тивит фракцияси салмоғи бўйича 3,5 фоизни ташкил этиши аниқланди.

5. Сур рангли қоракўл қўйлари авлодлари гул ва жун-тола сифати кўрсаткичлари бўйича қора рангли қоракўл қўйлари авлодлари билан деярли бир хил кўрсаткичларга эга бўлиши аниқланди:

-авлодларнинг гул типларига тақсимланишида сур қўйлар авлодларининг $56,6 \pm 2,65$ фоизи ярим доира қаламгул типига эга бўлган бўлса, бу кўрсаткич қора рангли қўйлар авлодларида $59,7 \pm 2,84$ фоизни ташкил этгани қайд этилди;

-сур қўйлар авлодларининг $52,0 \pm 2,67$ фоизи узун, $74,4 \pm 2,42$ фоизи ўрта кенгликдаги гуллар билан характерланган бўлса, мустаҳкам гулли авлодлар салмоғи бўйича мутаносиб равишда $71,1 \pm 2,42$ ва $75,8 \pm 2,48$ фоизга, мақсадга мувофиқ параллел-концентрик ва параллел-тўғри гул расми бўйича 84,9 ва 88,9 фоизга тенг кўрсаткичлар қайд этилди;

-жун толаларининг ипаксимонлик ва ялтироқлиги каби сифат кўрсаткичлари бўйича сур кўйлар авлодларининг қора рангли кўйлар авлодларига нисбатан маълум даражадаги устунлиги аниқланди. Бундай устунлик кучли ипаксимонлик бўйича 4,4 фоизни, кучли ялтироқлик бўйича эса 6,8 фоизни ташкил этгани қайд этилди.

6. Жун толалари зичлиги ва узунлиги бўйича бироз устунлик қора рангли кўйлар авлодларида кузатилса ҳам, сур кўйлар авлодлари ҳам оптимал кўрсаткичлар билан характерланиши аниқланди. Ушбу ҳолатда сур кўйлар авлодларининг 86,3 фоизи ўта зич ва зич жун қопламига эга бўлган бўлса, бу кўрсаткичнинг қора рангли кўйлар авлодларида 88,9 фоизни ташкил этгани кузатилди. Жун-тола узунлиги сағри қисмида сур кўзиларда $10,26 \pm 0,07$, қора рангли кўзиларда $10,07 \pm 0,06$ миллиметрни, елка қисмида $11,87 \pm 0,10$ ва $11,42 \pm 0,09$ миллиметрни ташкил этгани аниқланди.

7. Тадқиқот натижаларида қизилқум завод типидagi кўйларнинг қимматли рангбарангликлар, айниқса кумушсимон рангбаранглиги бўйича мустаҳкам ирсиятга эга эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолатда улар авлодларида қимматли рангбарангликларнинг (кумушсимон, тилласимон, бинафша) 88,9 фоиз, кумушсимон рангбаранглигининг 69,2 фоиз даражаларида намоён бўлиши кузатилдики, бу уларнинг ирсий мустаҳкамлигини илмий жиҳатдан исботлайди.

8. Қизилқум завод типи кўйлари ирсиятининг мустаҳкамлигини сур рангининг ифодаланишида ҳам кўриш мумкин. Бунда ранг ифодаланишининг аъло даражадаги кўрсаткичи ўртача мувозанатлашган ҳолатда $43,7 \pm 2,65$ фоизни, ярим доира қаламгул типидa $41,4 \pm 3,56$ фоизни, қовурғасимон типидa $51,6 \pm 6,95$ фоизни, ясси типидa $59,4 \pm 6,67$ фоизни ташкил этгани қайд этилди.

9. Ранг текислиги бўйича текис ва қониқарли текис кўрсаткичлар $78,8 \pm 92,9$ фоиз даражасида қайд этилиб, энг юқори кўрсаткич ясси типидa кузатилди. Рангбарангликлар миқийёсида эса юқори даражадаги текис ранг кўрсаткичи кумушсимон ($82,6 \pm 2,43\%$), тилласимон ($78,4 \pm 7,85\%$) рангбарангликларида кузатилгани аниқланди.

10. Авлодларда қоракўл териларининг нав ва ассортимент кўрсаткичларини ўрганиш натижасида биринчи навли қоракўл маҳсулоти салмоғи бўйича фарқланишлар кузатилмади. Сур терилар орасида ярим доира қаламгул гуруҳидаги биринчи нав терилар салмоғининг сезиларсиз камроқлигини (1,4%), терилар сатҳ ўлчамининг маълум даражада ($28,9 \text{ см}^2$) йирикроқлиги қайд этилди.

11. Тадқиқотлар давомида олинган натижалар Қарнабчўл шароитида қизилқум завод типидagi кўйларни урчитишнинг қора рангли кўйларни урчитишга нисбатан асосий маҳсулот ҳисобланган қоракўл терилари бўйича сезиларли устунлигини кўрсатди. Ушбу устунлик 1 дона қоракўл териси нархи бўйича 8010,0 сўмни, рентабеллик даражаси бўйича эса 16,2 фоизни ташкил этганида ўз аксини топади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.2019.Qx.75.01. ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И
ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

КЛИЧЕВ ЗАФАР САФАРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИХ ОСНОВ
ПОВЫШЕНИЯ ПРОДУКТИВНОСТИ КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ
ЗАВОДСКОГО ТИПА КЫЗЫЛКУМА**

**06.02.03 – Частная зоотехния. Технология производства
продуктов животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Qx219

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.uzkarakul.uz) и в информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Бобокулов Насилло Асадович

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Холмирзаев Дустмухаммад

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Турсунов Хайрулло Шарофиддинович

кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Ведущая организация:

Тошкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «25» 08 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/30.2019.Qx.75.01. по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) при Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь (Адрес:140154, Самарканд, ул. М. Улугбека, 47. Научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь, конференц-зал, 2 этаж, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь (зарегистрировано за номером №176). Адрес: 140154, Самарканд, ул. М.Улугбека, 47. Административное здание института, 1 этаж, тел.: (0366) 233-32-79; факс: (0366) 233-34-81).

Автореферат диссертации разослан «14» 08 2020 года.
(Реестр протокола рассылки № 6 от «14» 08 2020 года)



[Handwritten signature]

М.Э.Аширов

Заместитель председателя Научного совета по присуждению учёной степени, д.с.х.н., профессор

[Handwritten signature]

М.Ш.Исмаилов

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёной степени, д.с.х.н., с.н.с.

[Handwritten signature]

С.Ю. Юсупов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёной степени, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Широкий ареал распространения каракульских овец позволяет разведению их почти во всех континентах мира. Узбекистан, Афганистан, Южно-Африканская Республика, Намибия, Туркмения и Казахстан считаются странами, в которых больше всего разводят каракульские овцы. В этих странах в результате проведенных селекционно-племенных работ заметно усовершенствованы наследственные и продуктивные особенности каракульских овец, сформированы их отличительные свойства и закреплены в поколениях. В целях опытов каракульские овцы разводятся в чистом виде в экспериментальных овчарнях Франции, Польши, Италии и других государств Европы и в США.

Каракульских овец разводят в таких странах СНГ, как Казахстан, Таджикистан, Россия, Украина и Молдавия, где исходя из пастбищно-климатических условий этих государств проведены научно-исследовательские работы по эффективному использованию потенциала породы по повышению мясной и молочной продуктивности.

